

Махтумкули хаёти ва ижоди. Улуг туркман шоири ва мутафаккири Махтумкули 1733 йили Атрек дарёси буйидаги Хожиговшан овулида тугилган. Унинг илк устози Озодий тахаллуси билан шеърлар ёзган отаси Давлатмамад эди. Оилада хат-саводини чиқарган булажак шоир тахминан олти ёшидан овул мактабида - Ниёзсолих мулла кулида укий бошлайди. Уткир зехни ва тиришқоклиги билан укувчилар орасида алохида ажралиб турган Махтумкули кейин Кизилоёк (хозирги Чоржуй вилояти, Халач тумани) даги Идрис бобо мадрасасида тахсилни давом эттиради. Сунг Хиванинг Шергозихон мадрасасида илмини камолга етказди. Шунингдек бир муддат Бухородаги Кукалдош мадрасасида ҳам укигани хақида ривоятлар мавжуд.

Махтумкули бадиий сузни юксак кадрлаган ва ижодий қобилиятга эга маърифатли оилага мансуб. Атрек жанубидаги вилоятда тугилган бобоси (воқеан, унинг исми ҳам Махтумкули булган - шоирга бобосининг отини беришган) тирикчилик важдан туркманларнинг гуркуз қабиласига иш излаб келади ва уруг бошлиқларидан бирининг кулида ёлланиб ишлайди. Маълум муддат утиб, хужайин уни уз жиянига уйлантириб қуяди ва у алохида хужалиқнинг бошлиғига айланади. Дехқончилик қилиш билан бир-га, отга туқим тикиш, камчи туқиш, юган ва айил яшаш орқали даромадини муттасил ошира бориб, Махтумкули Ёначи (туқимдуз) номи билан довруг таратади. Буш қолган вақтларида у қушиқлар туқиган ва улардан бири бизгача етиб келган.

Отаси Давлатмамад ҳам алохида қобилияти билан ажралиб турар эди. У бошланғич маълумотини овулда олиб, сунг Хива мадрасаларида уқини давом эттиради. Овулга қайтгач, болаларни уқитиш билан бирга, қишлоқ хужалиғи билан шугулланади. Агар бобоси учун шеър туқиш шунчаки хавас булган булса, отаси хақиқий шоир булиб етишади. У Озодий тахаллуси билан қуплаб қушиқ ва газаллар яратади. Унинг қарийб 6 минг мисрадан иборат панд-насихат мазмунидаги «Вазъи Озод» («Озод вазъи») номли достони сақланиб қолган. Бу асарлар Озодийнинг форсий (воқеан, у яхшигина шохномахон булган) ва туркий адабиётдан, хусусан, Алишер Навоий ижодидан етарли даражада хабардорлиғини курсатади.

Давлатмамаднииг оиласи қатта булиб, Махтумкули унинг учинчи угли ҳисобланади. Буш вақтларида пода боқиб, отасига қумаклашган Махтумкули 9 ёшидан шеър машқ қила бошлайди.

Туркман халқи тарихининг энг нотинч ва огир даврида яшаб утган Махтумкули оилавий хаётда ҳам халоват топмади. Човдурхон бошчилиғида Афғонистонга вақил қилиб жунатилган ақалари Абдулла ва Мухаммадсафо душманлар томонидан шафқатсиз улдирилади. Қатта хонадоннинг бутун огирлиғи Махтумкули елкасига тушади. У мударрислик қилиш, ота-бобосидан мерос ёначилиқ қасбини давом эттириш билан бирга, темирчилик ва зарғарлик ҳунарларини ҳам эгаллайди. «Гузал Шергози» шеърдан маълум булишича, у Хивада таҳсил олаётган даврида бирин-кетин отаси ва онасидан жудо булган:

Комил булиб, саранжомлик қилибман,
Машаккат-ла ул падардан қолибман,
Қаъбамдан айрилиб, жудо булибман,
Кетар булдим, хуш қол, гузал Шергози!

Махтумкули холасининг кизи Мэнгли билан болаликдан бирга уйнаб усган, икки ёш бир-бирига кунгил куйган эди. Ленин отаси ва икки акасининг бевакт улими оилани моддий жихатдан огир ахволга солиб куйган. Махтумкулининг калин пулини тулашга курби етмаслигини билган Мэнглининг акалари сингилларининг розилигини ҳам сурамай, уни бировга узатиб юборадилар. Киз бечора кон йиглаб, бошка оилага келин булиб тушади. Бунинг устига, давом этиб келаётган кадимий урф-одатга кура, Махтумкулини катта акасининг бева колган хотини Оккизга никохлаб куядилар. У Оккиздан икки угил куради. Угилларидан бирининг исми Сарибой, бошкасиники Иброхим булиб, биринчиси — 7, иккинчиси - 12 ёшида нобуд булади. Аввал севгилисидан, кейин нуридийдаларидан жудо булган, оилавий хаётдан бахтини тополмаган шоир чукур кайгу-хасрат ичида қолиб, бутун умрини бадий ижодга багишлайди. Мэнглихонга атаб куплаб шеърлар ёзиш билан унга узига хос назмий хайкал куяди. Баъзи тадқиқотчиларнинг таъкидлашларича, шоирнинг узига Фирогий тахаллусини танлаши айни шу жудоликлар билан боғлиқ.

Махтумкули шеърларида жуда куплаб жой номларига дуч келамиз. Бу унинг куп саёхат килганлигидан далолат беради. Сафарга ок фотиҳа сураб, отаси билан савол-жавоб йусинида ёзган бир шеъри ҳам шоирнинг саёхатга, дунёни куришга хаваси кучли булганлигини курсатади («Ота-угил дардлашуви»). Шеърда «Кунглим истар, сафар килсак...», «Сайрон этсак неча тенгу туш билан, Магар шунда гамгин кунглим хуш булар» каби мисраларни укиймиз.

«Маълум булишича, Махтумкули ёшлигидаи саёхатларда юриб, Каспий буйидан то Амударёгача келган. Бухорода таълим олган, сунгра Афғонистонга утган, Хиндистонда бир йилу уч ой турган, кайтиб Фаргона (Андижон, Маргилон)ни курган, Козогистоннинг Туркистон шахрига борган. Хоразмга - Хивадаги Шергози мадрасасига келиб укиган, сунг яна уз элига — Атрек дарёси водийсига, Дехистонга кайтган.

Шундан сунг Озарбайжон, Эрон, Туркиянинг шаркий кисми, Ирокни айланиб келган. Махтумкулининг Астраханда булганлиги ҳам, у ерда руслар хаёти билан танишганлиги ҳам ажаб эмас. Хатто Эрон билан Хиндистон орасидаги Уммон денгизи буйларида — ё Уммон тупрогида (Арабистон ярим ороли билан Ирок уртасида), ё хозирги Покистон ерларида булганлигини тахмин килиш мумкин, бунга унинг шеърла-рида ҳам шамаъ бор. Шоир Урта Шаркдаги барча туркман кабилалари орасига кириб, уларнинг ахволини, озодлик мустакиллик ва фаровонлик орзуларини билди, шу билан бирга, огзаки адабиётини урганди».

Мирзо Кенжабекнинг тахминича, бир шеърида «Занги бобони курсам» дейишига кура, у Тошкентга ҳам келган булиши керак.

Муборак Хаж сафарига бориш орзуси борлигини бир неча шеърларида изхор килган. Махтумкули кубравия тарикати шайхлари билан ҳам, хожагон-накшбандия силсиласи пирлари билан ҳам якин алоқада эди. Отаси Давлатмамад ҳам тасаввуф ахлини дуст тутган. «Шеърларидан Махтумкулининг пири отаси эканлиги англашилади. Аммо у бошка куплаб муриди комилларни ҳам зикр этган». Чунончи, Сарахсда накшбандия намояндаси Ниёзули халифага мурид тушишни орзу килган булса, Отаниёз охунга ҳам шогирдлик талабида булган.

Шуро давридаёк баъзи тадқиқотчилар Махтумкулининг тасаввуфга муносабати юзасидан айрим мулохазаларни билдирган эдилар. Жумладан, Г.Карпов хаётининг муайян даврларида Махтумкулининг тасаввуф тарикатлари билан алоқаси булгани, бинобарин, ижодида суфиёна оханлар мавжудлигига эътиборни каратган. П.Скосирев

Махтумкулининг фалсафий шеърларида шоир яқин алоқада булган тасаввуф илмининг таъсири шундоққина сезилиб туришини таъкидлаган. А.Мулкаманов эса Махтумкулининг тасаввуфдан нихоятда таъсирлангани, шеърларида «фано тупроги», «ахли хол», «факр мулки». «ёр», «сохибжамол», «дуст», «зулф» каби суфиёна истилох-тушунчалар куп учраши, «Саташдим», «Курдингми?», «Ёр сендан», «Намасан?», «Эй дуст», «Ошик булмишам» шеърларида суфиёна рух кучлилигини кайд этган.

Албатта, диний-тасаввуфий мавзудаги шеърлар Махтумкули ижодида етакчи урин тутуди. Афсуски, шуро мафкураси шоирнинг исломий маърифат ва тасаввуф хакикатлари уфуриб турган асарлари мутолаасидан бизни бебахра килган эди. Шунинг учун унинг асосан шу мавзудаги шеърларини танлаб таржима килган таникли шоир ва захматкаш мутаржим Мирзо Кенжабек уз таржималарига ёзган суз бошисида:

«Махтумкули Фирогий XVIII аср маърифий шеъриятининг буюк даргаларидан булиб, бутун туркий халклар учун тушунарли ва севимли шоир, маърифатли сиймо, ориф ошик, сохиби хикмат булган валий зотдир. Унинг инсонпарварлик, халкпарварлик, ватанпарварлик гоёлари билан йугрилган шеъриятида пок исломий маърифат рухи гуркираб, яшнаб туради», — деган фикрни билдиради.

Махтумкули «ахли хол, ахли сир, ахли хикмат булган ориф зотдир. Маъно оламида унинг бир канча азиз сиймолар билан иртиботи борлиги англашилади. Бир канча шеърларида у хак пайгамбарлар, машхур авлиёлар билан боглик тушларини фарах ва шукрона билан баёғ этади». М.Кенжабек хатто у илми ладуний сохиби булган деб ёзади.

Таникли шаркшунос олим Е.Бертельснинг ёзишича, Махтумкули адабий меросининг умумий микдори тахминан 16—18 минг мисрага етади. А.Бобоев шоирнинг 700 га яқин лирик асарлари бизгача етиб келганлиги хақида маълумот беради. Узбек олимаси С.Шукруллаева эса собик кулёзмалар институти (хозирги Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Абу Райхон Беруний номидаги Шаркшунослик институти Хамид Сулаймон фонди)даги 1997-ракамли кулёзмада шоирнинг 900 дан ортик шеъру газаллари мавжудлиги тугрисида хабар берган эди.

Махтумкули ижоди куплаб чашмалардан сув ичган: улар - Куръони карим ва унга ёзилган тафсирлар. Хадиси шариф ва диний адабиётлар, тасаввуф фалсафаси ва адабиёти, Шарк мумтоз суз санъати ва халк огзаки ижоди. Шунинг учун шоир ижодида исломий мавзуларни хам, суфиёна рухни хам, халкона оханларни хам, мумтоз адабиёт таъсирини хам курамиз — улар узаро омукта булиб, Махтумкули асарларининг юксак бадиияти, таъсирчанлиги ва умрбокийлигини таъминлаган. Шоир шеърларида пайгамбарлар, авлиёлар, сахобалар, тасаввуф пирлари, халк кахрамонларининг номига куп дуч келамиз.

Туркман халкининг тарихи, бугуни ва эртаси, урф-одатлари, анъаналари, даврининг мухим сиёсий-ижтимоий ходисалари, шоирнинг дарду хасратлари бу шеърларнинг асосий мавзуи хисобланади. Бу шеърларда шоир уз халқини севган, унинг дарду хасратлари билан ёнган, истикболи учун кайгурган фидоий ватанпарвар сифатида намоён булади. Ватан ва халқ мавзуси - Махтумкули шеъриятининг ук илдизини ташкил этади. Катор шеърларида таркок туркман уругларини бирлашишга, улар уртасидаги узаро низоларни бартараф этишга даъват килади. «Туркман адабиёти тарихи тадқиқотчиларининг таъкидлашларича, Махтумкули уз даврида эл ва юрт кадр-кимматини оёкости килиб келаётган иллатларни хаммадан кура купрок англаб етди. Шоир асарларида замондошларини даврда руй бериб турган воқеаларнинг мохиятини чуқур идрок килиб иш тутишга чакирди».

Шоир шеъриятининг гоъвий-эстетик хусусиятлари. Махтумкули шеърларида халк фалсафаси кучли, панд-насихат етакчи — у курган-кечирганларини каламга олиб, улар юзасидаи теран хулосалар чикаради. Бу фикрларнинг хикмат каби жаранглаши шундан:

Хар йигитнинг аслин билай десангиз,
Маъракада утур-туришин куринг.
Биров билан ошно булай десангиз,
Аввал икроринда туришин куринг.

Номардлар хам ярамаслар, ночорлар,
Тузинг ичиб, ишинг булса кочарлар,
Сирингни фош этиб, айбинг очарлар,
Кадринг билган улфатингдан айрилма!

Махтумкули халк макол-маталлари, хикматли сузлари, образли ибораларини жуда яхши билади ва махорат билан шеърлари катига сингдириб юборади. Айни пайтда, узи хам содда, ихчам, лунда, теран хикматлар яратадики, улар нафакат туркман балки барча туркий халкларнинг хикматли сузлар хазинасидан жой олган:

Олимга ёндашсанг, очилар кузинг,
Жохилга ёндашсанг, курдек буларсан.

* * *

Одам бор, минг туман едирсанг оздир,
Одам борки, еган нонига етмас.

* * *

Мард йигитнинг ор — киличи.

* * *

Дузахнинг тимсоли бир ёмон хотин.

Яхшини олам орзулар

.

* * *

Йигит карир ёмон аёл учраса.

Халк тарихи, адабиёти ва хаётини чукур билган бу донишманд инсон теран фикрларни халкона содда ва лунда бир тарзда шеърий мисраларга тизади. Бу шеърлар халк донолигининг ёркин намунасидир. Махтумкули асарларининг умрбокийлигини таъминлаган энг асосий омил худди шунда.

«Махтумкули уз даврининг жарохатларига акл-заковатни, иймон ва эътикодни, ахиллик ва хамжихатликни, аждодлар удумига асосланган хамдардлик ва адолатли курашни карши куяди ва бу туйгуни поэтик суз кудрати билан маънавий курол даражасига кутаради.

«XVIII аср туркман халки учун мусибатлар даври булди. Уч томондан - Бухоро амирлиги, Хива хонлиги, Эрон шохлиги каби анча кучли кушнилари куршовида колган туркманлар борган сари бепоён Урта Осиё чулларининг унумсиз кумликларига чекиниб борди. Туркман халкининг душманлари унинг жанговар шон-шухратини яхшиа билганлар ва

шунинг учун хар канакасига булса хам, жасур туркман йититларини уз томонларига жалб этишга харакат килганлар. Бунга факат бир йул: туркман кабила бошликлари, хон ва бекларини узларига огдириб олиш оркали эришиш мумкин эди. Бу максадга, уз навбатида, турк-ман кабилалари уртасига узаро низо уругини сочган, уларни бир-бири билан уриштириб куйган такдирдагина етиш мумкин булар эди.

Махтумкули куп сонли душманлари каршисида туркманларни заиф ва химояга мухтож килиб куядиган бундай узаро ички урушлар халк учун кандай дахшатли окибатларга олиб келишини ниhoятда теран англр эди. Шунинг учун шоир шеърларининг асосий кисмини туркман кабилаларини узаро урушларни тухтатиш ва нажотни хамжихатликдан излашга оташин чакириклар ташкил этиши уз-узидан тушунарли. Махтумкули учун туркман халкни саклаб колишнинг шарти унинг кучманчилик давридаги кадимий шон-шавкати: бекиёс мардлиги, хамжихатлик туйгуси, кулфатда колганларга ёрдамга тайёр туриш, мехмондустлик ва сахийлик каби фазилатларини асраш эканлиги хам тушунарли. Унинг катор шеърларида чинакам мард йигит, баходир кишиларнинг уз халкининг нокобил фарзандлари - номардларга карши куйилиши бежиз эмас.

Шоир шеърларида яхши – ёмон, мард - номард, халол - харом, бой - камбагал, уруш - тинчлик каби узаро зид тушунчалар куп учрайди. Хусусан, у кишиларни икки тоифага — мард ва номардга ажратади: унинг назарида мард - барча эзгу инсоний фазилатлар сохиби булса, но-мард — хамма ёмон иллатлар тажассуми. Шунга мувофик, мардни куплаб шеърларида улуглагани холда, номардни кескин танкид килади. Бу иккисини икки кутбга куйиб тасвирлайди.

Юз номард жойини босмас бир марднинг,
Чекар ташвишини мард элу юртнинг.
Килган килигини куринг номарднинг:
Жангми дея кочар туман учраса...
Мард кутар мехмонни очик юз билан,
Номард кочиb колар мехмон учраса.

«Махтумкулининг ишк-мухаббат мавзуидаги шеърлари хам охангдорлиги, чукур фалсафий мохияти билан ажралиб туради. Шоиринг хаёт ва улим, инсон ва борлик, гузал инсоний фазилатлар ва одоб-ахлокка оид шеърларида ислом дини хамда тасаввуфий карашлар таъсири яккол сезилади».

Шоир шеърларининг ўрганилиш тарихи. «Махтумкули асарларининг мавзулари, жанрий хусусиятлари, шаклий узига хослиги, асарлари тилининг ниhoятда халкчиллиги билан куп асрлик туркман адабиётини янги бир боскичга кутарди. Шоир асарларининг етакчи гоёси бу — турк-ман ерлари устига ёпирилиб турадиган чет эл боскинчиларига бархам бериш, таркок яшаётган, узаро нифок ва зиддиятлардан зада булган кабила хамда уругларни бирлаштириш билан осойишталик ва иттифокликка асосланган кудратли бир давлатни барпо этишдек миллий ватанпарварлик хис-туйгуларидан иборат. Ана шу миллат манфаатлари йулида кайгуриш, маърифатпарварлик йули билан бу гоёни самарали кучга айлантириш шоир ижодининг асосига айланди. Бу йулдаги изланиш, шеърят кучи билан юксак уфklarга талпиниш Махтумкулини уз даврининг кузга куринган тараккийпарвар сиймоси даражасига кутарди».

Хамидулла Хасанов ёзади: «Махтумкули Фирогий ниhoятда зур, таъсирли, халкка ёкадиган, туркманга хам, узбекка хам уз тилидек тушуниладиган шеърлари билан бутун

Шаркка машхурдир. Унинг асарларини Сурияда ҳам, Ироқда ҳам, Туркия ва Эронда ҳам, Афғонистон ва хатто узок Арабистонда ҳам туркманлар фахр билан куйлайдилар. Афғонистонда бир кекса туркман бахшиси борлигини эшитдим, у Махтумкули шеърларини махорат билан ижро этишда ном чиқаргани учун узини «Махтумчи» дер экан».

Махтумкули барча туркий халқлар катори, узбек халқининг ҳам уз шоирига айланиб кетган. Шоир шеърлари халқимиз орасида асрлар давомида машхур булган. Асарларининг кулёмалари кенг тарқалиб, «тошбосмада ҳам Хива ва Тошкент шаҳарларида бир неча бор нашр қилинган, бир неча унлаб асарлари Тошкентда чиқадиган «Туркистон вилоятининг газети»да эълон қилинган». Абу Райхон Беруний номидаги Шарқшунослик институти фондида Махтумкули шеърларини уз ичига олган 5 та кулёмза сакланади.

Махтумкули шеърлари Жуманиёз Шарипов, Жуманиёз Жабборов, Музаффар Аҳмедов, Мирзо Кенжабек таржималарида узбек тилида бир меъа марта чоп этилган, турли мажмуа ва дарслиқларга киритилган. Ж.Шарипов, С.Эркинов, К.Тоҳиров, К.Курамбоев, С.Кориев, М.Кенжабек, Б.Каримовлар у ёки бу даражада шоир ижоди хусусида тадқиқотлар олиб борганлар. «Буйларингга», «Намасан», «Юргинг келади», «Айлар», «Айрилдим», «Булмас», «Тухтамас», «Карамас», «Этмасин», «Кузим тушди», «Ошиқ булмишам», «Устодингдан айрилма», «Куринг» сингари бир неча унлаб кушиқлари Комилжон Отаниёзов, Очилхон Отахонов, Отажон Худойшуқуров, Бобомурод Хамдамов, Ортиқ Отажонов, Илём Маллаев, Аҳмаджон Шуқуров, Каримбой Раҳмонов, Аҳрор Усмонов каби халқимизнинг севимли санъаткорлари томонида ижро этилган. Узбекистон ра-дио ва телевидениеси орқали хар куни Махтумкули шеърлари билан айтиладиган кушиқлар янграб туради. Шоир «китоблари, шеърлари, панд-насихатлари кириб бормаган бирорта узбек хонадони йуқ, унинг номини билмаган биронта узбек йуқ», десак муболага қилмаган буламиз. «Махтумкули - бугунги кунда узбек мадания-адабий турмушида жуда оммавийлашиб, энг машхур сиймоларнинг бирига айланган». Ушбу туплам улуг туркман шоири ва мутафаккирининг узбек тилига таржима қилинган энг сара шеърлари асосида тузилди.

Карши давлат университетининг катта ўқитувчи А. Хамдамов